

## **Рангли металллар бозорини 2018 йилнинг январь-февраль учун таҳлили**

2018 йилнинг январь февраль ойида биржа оркали сотилган махсулотларнинг ҳажми 6 минг тоннадан ошди.

Махсулотларнинг ички таркибига эътиборни каратамиз. Бу ерда мутлок етакчилик анъанавий тарзда мис гурухига тегишли булиб уларнинг умумий улушлари утган йилнинг мос даврига нисбатан 3% га кискариб 93% ни ташкил этмоқда. Бунда катодли миснинг улуши 90% дан 59% гача камайди. Мис урамасининг улуши 34% атрофида кайд этилмоқда. Алюминий котишмаларини сотиш ҳажми 6 маротабага ошганлиги сабабли унинг улуши 1% дан 4% гача кутарилди. Бозордаги 3 урин рух махсулотларига тегишли уларнинг улуши 3% атрофида.

Катодли мис буйича шаклланган нархларга эътибор берамиз ва тренд асосан пасайишдан иборат эканлигини куришимиз мумкин. Йилнинг бошларида нархлар 59 млн сумни ташкил этган булса январнинг охирларига келиб 57 млн сумгача тушиб кетди. Февраль ойида ушбу динамика давом этди ва ой бошларида котировка минимал даражага тушиб кетди ва 55 млн сумни ташкил этди. Февраль ойнинг урталарида нархлар бироз кутарилди ва 56 млн сумни ташкил этди. Таъкидлаш лозимки ушбу даврда савдога куйилаётган ҳажмлар ҳам тушиб кетганди ва бунга карамасдан нархлар ҳам пасайган ва бу уз навбатида дуне бозорлардаги конъюнктура билан боғлиқдир.

Алюминий бозорида ҳозирча алюминий котишларини факатгина икки хил маркаси сотилди. Яъни бу АК5М2 унинг улуши 95% ни ташкил этмоқда. Иккинчи алюминий котишмаси АВ87 нинг улуши утган йилга нисбатан 28% дан 5% гача тушиб кетди.

Шаклланган нархларга утамиз. Бу ерда эса аксинча усиш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Январнинг бошларида уртача нархлар 12,6 млн сумни ташкил этган булса ой охирларида котировка 14,3 млн сумгача кутарилди. Ва айнан мана шу котировка февраль

ойида ҳам сакланмоқда. Нархларнинг узиш даражаси 13% ни ташкил этди.

Вилоятларнинг позицияларида узгаришлар содир булмади. Мутлок етакчиликни эгаллаб турган Тошкент ва Тошкент вилоятининг улуши утган йилга нисбатан 13% га кискариб 75% ни ташкил этди. Иккинчи уринда турган Андижон вилоятининг улуши аксинча 9% дан 18% гача усди. Кейинги уринда турган Навоий вилоятнинг улуши 4% атрофида. Самарканд вилоятига бозорнинг 2% тегишлидир.